



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ НАЗОРАТ-ЛИЦЕНЗИЯ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

Адхамов Зафар Акбарович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
кафедраси ўқитувчиси

(ORCID-0009-0004-0961-3708)

zafaradxamov886@gmail.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14958493>

ARTICLE INFO

Received: 17th February 2025

Accepted: 18th February 2025

Published: 28th February 2025

KEYWORDS

Назорат-лицензия
фаолияти, лицензия, ўқотар
қуроллар, қарор, фармон,
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар,
жиноятларни барвақт олдини
олиш

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика (катта) инспекторининг назорат-лицензия қоидаларига риоя этилишини таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳамда амалиётда назорат-лицензия қоидаларига риоя этилишини таъминлаш фаолиятида махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал жиҳатлари, муаммолари, бугунги кундаги аҳоли масалаларига алоҳида эътибор берилганлиги ҳақида сўз юритилади.

Ўтган давр мобайнида мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида¹ бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида ички ишлар органларининг фаолияти замон талабларига жавоб берадиган даражада тубдан ислоҳ қилинди. Ислоҳотлар жараёнида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техник таъминотини янада яхшилаш, фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган чоратадбирлар амалга оширилди. Бу чора-тадбирларнинг барчаси қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилгандир. Шунингдек, тақиқотчи Б.А. Тиллаходжаев бу борада фикр юритар экан қуйидаги “аҳоли орасида гиёҳвандлик воситаларига қарши иммунитетни шакллантиришда оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқлари имкониятларидан кенг фойдаланиш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2021 йил 26 март) ПФ6196-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон

“Медиа концепсия”ни ишлаб чиқиш” таклифларни илгари сўради².

Давлатнинг назорат функциясини давлат органлари бажаради. Ўз навбатида ички ишлар органларининг назорат-лицензия фаолиятини назоратини амалга оширувчи орган ҳисобланади. Ички ишлар органларининг ушбу назорат тури жамият осойишталиги ва тинчлиги, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятдир. Лекин ушбу фаолият такомиллашуви билан жамиятдаги жиноятчилик ривожланмайди дегани эмас, балки жиноятчилик ҳам ўз навбатида шаклланиб, такомиллашиб унинг янги турлари пайдо бўлади, жумладан бугунги кунда диний экстремиз ва терроризм, одам савдоси, компьютерлардан фойдаланиб амалга ошириладиган жиноятлар (хаккерлик), фирибгарлик, банкдаги пулларни ўзлаштириш ва бошқалар.

Ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган маъмурий назоратни икки тури мавжуд, биринчи тури бу умумий назорат деб номланади ва иккинчи тури бу алоҳида тоифадаги шахсларнинг устидан ўрнатиладиган махсус маъмурий назоратдир. Назорат-лицензия фаолиятини умумий назорат деб тушунишимиз мумкин.

Ички ишлар органларининг назорат-лицензиялаш фаолияти ҳақида сўз юритилар экан, Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Э.Х. Норбўтаев юртимиз ва хорижий олимларнинг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги муаллифлик таърифи шакллантирди:

Ички ишлар органларининг назорат-лицензиялаш фаолияти – жисмоний ва юридик шахсларнинг махсус (рухсат) лицензия олиш, узайтириш, қайта расмийлаштириш, қайта рўйхатга олиш, бекор қилиш тартибини белгилаш, шунингдек, улар томонидан лицензиялаш фаолияти қоидаларига риоя этишни назоратини амалга ошириш, лицензиатлар томонидан лицензиялаш шартлари ва талабларини бузиш ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш, уларга чек қўйиш ва қоидабузарликда айбдор бўлганларни юридик жавобгарликка тортишдан иборат бўлган давлатнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий усулларнинг мажмуасидир³.

Шундай экан, **профилактика (катта) инспекторининг назорат-лицензия қоидаларига риоя этилишини таъминлаш фаолиятини** – жисмоний ва юридик шахсларнинг махсус (рухсат) лицензия олиш, узайтириш, қайта расмийлаштириш, қайта рўйхатга олишини назорат қилишда кўмаклашиш, шунингдек, улар томонидан лицензиялаш фаолияти қоидаларига риоя этишни назоратини амалга ошириш, лицензиатлар томонидан лицензиялаш шартлари ва талабларини бузиш ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш, уларга чек қўйиш ва қоидабузарликда айбдор бўлганларни юридик жавобгарликка тортишдан иборат бўлган фаолияти деб тушунишимиз мумкин. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир нечта гуруҳга таснифлаш мумкин:

- 1) қонунлар;
- 2) давлат ҳокимияти органларининг қарорлари;
- 3) ИИВ ва лицензиялашни амалга оширадиган бошқа органларининг қўшма қарорлари, буйруқ ва йўриқномалари.

² Б.А. Тиллаходжаев. Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситаларини истеъмолнинг барвақт профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ахборотномаси. [http://www.akadmvd.uz/_ISSN-2181-4872_2024_№1\(60\)](http://www.akadmvd.uz/_ISSN-2181-4872_2024_№1(60)).

³ Норбўтаев Э.Х.. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини такомиллаштириш. дис...автореферати. – Т., 2020. – 13 б.

Биринчи гуруҳга – 2023 йил апрель куни янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил

29 июлда қабул қилинган “Қурол тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 31 майда қабул қилинган “Қурол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи гуруҳга – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

10 апрелдаги ПФ-5005-сон “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 8 апрелдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлашда Миллий гвардиянинг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги

ПҚ-2940-сон “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 декабрдаги “Ўзбекистон республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласи соҳасида давлат назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 декабрдаги 810-сон “Қурол муомаласи соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва бошқаларни киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳга –Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг амалдаги буйруғи ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Юқорида келтирилган таснифдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунида ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини тартибга солиниши таҳлили куйидагиларни намоён этади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари мамлакатимиздаги барча ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Шу жумладан, ички ишлар органларининг назорат-лицензия қоидаларига риоя этилишини таъминлаш фаолиятини тартибга солишда ҳам тегишли қонун нормалари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил

30 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган Констимтуциясининг 65-моддасида

фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши айтиб ўтилган, шунингдек, 67-моддасида тадбиркорлар қонунчилиikka мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли⁴ эканлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни билан ички ишлар органларининг лицензиялаш соҳасидаги ваколатлари тартибга солинган. Жумладан мазкур қонуннинг 4-моддасида ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлари қаторида "...фуқаровий ва хизмат қуролининг ҳамда унинг ўқ-дориларининг, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларнинг, шунингдек пиротехника буюмларининг, гиёҳвандлик воситаларининг, улар аналогларининг, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши соҳасини назорат қилиш; лицензиялаш ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш, шунингдек лицензия ва рухсат этишга оид талабларга ҳамда шартларга риоя этилишини назорат қилиш" белгиланган. Шу билан бирга қонуннинг 16-моддасида ички ишлар органларининг мажбуриятлари қаторида, "...топиб олинган ва ихтиёрий равишда топширилган саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, прекурсорлар, алюминий кукунлари ва қурумларининг тегишли ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан қабул қилиниши ҳамда сақланиши, шунингдек уларнинг реализация қилиниши ёки йўқ қилиб ташланишини таъминлаш чораларини кўриши", 17-моддасида Ички ишлар органларининг ҳуқуқлари доирасида "...ўз хизмат мажбуриятларини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларини текшириш, агар уларда қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив ёки заҳарли моддалар, портлатиш қурилмалари, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, прекурсорлар ёхуд муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган бошқа нарсалар бор деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлганда эса, фуқароларни шахсий кўриқдан ўтказишни, уларнинг ашёларини, қўл юкини, бағажини кўриқдан ўтказишни амалга ошириш ҳамда мазкур нарсалар, воситаларни ва моддаларни олиб юриш ҳамда сақлаш учун қонуний асослар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни олиб қўйиш" ва "...фуқаровий ва хизмат қуроли, унинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар, алюминий кукунлари ва қурумлари муомалада бўладиган соҳада фаолиятни амалга ошираётган объектларнинг маъмурий, ишлаб чиқариш, омборхона ва ёрдамчи биноларига мазкур соҳада қонунчилиikka риоя этилишини назорат қилиш юзасидан ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун хизмат гувоҳномасини ҳамда белгиланган тартибда бериладиган махсус рухсатномани кўрсатган ҳолда тўсқинликсиз кириш; лицензия ва рухсат этиш талаблари ҳамда шартлари бузилганлиги фуқаровий ва хизмат қуролининг, унинг ўқ-дорилари, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларнинг, пиротехника буюмларининг, гиёҳвандлик воситаларининг, уларнинг аналогларининг, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг, алюминий кукунлари ва қурумларининг йўқолиши ёки талон-торож қилиниши хавфини юзага келтирган ҳолларда, уларни олиб қўйишни амалга ошириш, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларни, пиротехника буюмларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни, алюминий кукунлари ҳамда қурумларини тегишли ихтисослаштирилган ташкилотларга, фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини эса ички ишлар

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. – 116.

органларига зудлик билан олиб боришни ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни талаб қилиш; ташкилотларда ҳамда фуқароларда лицензияларсиз ва рухсатномаларсиз турган фуқаровий ва хизмат қуролини, унинг ўқ-дориларини, портловчи материалларни, пиротехника буюмларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддалар ва прекурсорларни, алюминий кукунлари ва курумларини белгиланган тартибда олиб қўйишни, ташишни ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни амалга ошириш, уларни йўқ қилиш чораларини кўриш” ваколатлари тартибга солинган⁵.

Ички ишлар органларининг лицензиялаш ваколатларини амалга ошириш бўйича фаолиятининг муҳим ҳуқуқий асосларидан яна бири Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги “Қурол тўғрисида”ги Қонуни ҳисобланади. Мазкур қонун нормаларига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга субъектлар ички ишлар органларининг амал қилиш муддати уч ойлик бўлган рухсатномалари асосида фуқаровий ва хизмат қуролини олиш ҳуқуқига эга эканлиги, Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари, фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ички ишлар органларининг қуролни сақлашга ёки сақлаш ва олиб юришга доир рухсатномалари асосида фуқаровий ҳамда хизмат қуролини ва унинг ўқ-дориларини сақлаш ҳуқуқига эга эканлиги, Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиш, реализация қилиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, коллекциялаш, кўргазмага қўйишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга доир рухсатномалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда ички ишлар органлари томонидан берилиши белгиланган⁶.

Ички ишлар органлари томонидан рухсат беришга доир талаблар ва шартлар ички ишлар органлари ваколатларига киритилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат асосида ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда лицензиат томонидан бажарилиши шарт бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартлар йиғиндисини англатади.

Иккинчи гуруҳ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили қуйидагиларни намоён қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2940-сон “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларининг назорат-лицензиялаш фаолияти бўйича асосий вазифалари ва функциялари белгилаб берилган. 2010 йил 25 октябрдаги 234-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида пиротехника буюмлари муомаласи соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш билан боғлиқ тартиб-таомиллар (аризаларни кўриб чиқиш, лицензия талабларининг лицензия талаблари ва шартларига тўғри келишини ўрганиш, лицензияни бериш ёки рад этиш, лицензияни тўтатиб туриш, бекор қилиш ва ҳ.к. масалалар), 2017 йил 6 июндаги 360-сон қарори билан тасдиқланган “Портловчи материалларнинг айланиши соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 438-модда

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 19 июлдаги «Қурол тўғрисида»ги Қонуни.

Низом”да портловчи материалларни республика ҳудудига олиб кириш, уларни сотиб олиш, сақлаш, ташиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига қайд этилган фаолиятни амалга ошириш учун тегишли рухсатномаларни бериш бўйича тартиб-таомиллар белгиланган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқий статистикани юритишни такомиллаштириш, унинг криминоген вазиятни таҳлил қилиш ва жиноятчилик динамикасини прогноз қилишдаги ролини ошириш мақсадида автотранспорт воситалари, фуқаровий ва хизмат ўқотар қуроллари, қидирувдаги шахслар ва ашёлар, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигига кўмаклашувчи бошқа маълумотлар бўйича автоматлаштирилган ахборот банкини юритиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифаларида Бириктирилган маҳалла (қишлоқ, овул) ҳудудида фуқаролар ва юридик шахслар томонидан фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дориларини сақлаш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишга кўмаклашиш кўрсатилган.

Учинчи гуруҳга киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили кўйидагиларни намоён этди. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг буйруғи билан тасдиқланган “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”даги Низомнинг 39-бандида профилактика инспектори ҳуқуқбузарлик содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойлар, интернет кафелар, тунги кўнгил очиш (дам олиш) жойларини ҳамда маъмурий назорат ўрнатилган, профилактик ҳисобга олинган, ов қуролига эга бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар яшайдиган турар-жойларни доимий равишда назорат қилиб бориши, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг буйруғи билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”даги Йўриқноманинг 104-бандида профилактика инспектори фуқаровий қурол ва унинг ўқ-дориларини сақлаш қоидалари ҳамда тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаши тартиблари белгиланган.

Айнан юқорида келтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига асосан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар Ички ишлар бошқармалари тизимидаги назорат-лицензиялаш бўлим (бўлинма, гуруҳ)лари пиротехника буюмлари ҳамда фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия берадилар.

Профилактика инспекторлари пиротехника буюмлари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари муомалада бўладиган соҳадаги фаолиятни амалга оширишни тегишли лицензия ёки рухсатномада белгиланган объектларни кўздан кечириш, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида муомалада бўлиш тақиқланган пиротехника буюмлари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари олиб қўйиш ва йўқ қилиш, назорат фаолиятини бажариш учун фуқаролар ҳамда юридик шахслардан оғзаки ва ёзма ахборот беришни талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шунингдек, профилактика инспекторлари зарар келтириши, пиротехника буюмлари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ўғирланиши ёки ноқонуний қўлланилишига олиб келиши мумкин бўлган қоидабузарликлар аниқланган тақдирда тегишли жойларни муҳрлашга, ходимларнинг улардан фойдаланишини вақтинча чеклаш ёки аниқланган камчиликлар бартараф этилгунича лицензияланадиган фаолият билан шуғулланишни тўхтатишга ҳақли.

Юқоридаги келтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда профилактика (катта) инспекторлари назорат-лицензия қоидаларига риоя этилишини таъминлашда аниқ вазифалар юклатилган бўлсада, лекин ушбу фаолиятни қандай тартибда амалга оширилиши тўғрисида ҳаракатлар алгоритми тўлиқ ёритиб берилмаганлигини кўришимиз мумкин. Бу борада тадқиқотчи Ў.М. Атажанов ўз фикрини билдириб, “профилактика катта инспекторларининг маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи ИИВнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатининг қабул қилиш⁷” лозимлиги, шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг мавжуд ва амалдаги буйруқларига “Профилактика (катта) инспекторининг назорат-лицензия қоидаларига риоя этилишини таъминлаш фаолияти” деб номланган алоҳида боб киритилиб, ушбу бобда профилактика (катта) инспекторлари ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда фуқаролар, корхона-ташкilotлар томонидан назорат-лицензиялаш қоидаларига риоя этилишини қанча вақтда текшириб туришлиги ва қандай тартибда текширишлиги, назорат-лицензиялаш қоидаларига риоя этилишини таъминлашда нималарга алоҳида эътибор қаратиши зарурлиги, текшириш давомида шунингдек, текшириши натижаларига кўра қандай ҳужжатлар расмийлаштирилиши, назорат-лицензиялаш қоидаларига риоя этилмаганлиги учун жавобгарлик масалаларини кўриб чиқиш каби қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – 76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 38. – 438-м.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги (2021 йил 14 июль) ЎРҚ-701-сон // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.07.2021 й., 03/21/701/0674-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6196-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.
5. Норбўтаев Э.Х.. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятини такомиллаштириш. дис...автореферати. – Т., 2020. – 13 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 19 июлдаги «Қурол тўғрисида»ги Қонуни.
7. Б.А. Тиллаходжаев. Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситаларини истеъмолнинг барвақт профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар ва уларни

⁷ Атажанов Ў. Шаҳар ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика инспектори фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги ҳолати ва ўзига хос хусусиятлари //Актуальные вопросы обеспечения прав женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 24-30.

бартараф этиш йўллари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ахборотномаси.
[http://www.akadmvd.uz/_ISSN-2181-4872_2024 N1\(60\)](http://www.akadmvd.uz/_ISSN-2181-4872_2024_N1(60)).

8. Атажанов Ў. Шаҳар ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика инспектори фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги ҳолати ва ўзига хос хусусиятлари //Актуальные вопросы обеспечения прав женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 24-30.

